

ЦЕРЕБРАЛ СТУДЕНТ
ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
ОЗУҚАГА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧА

1 капсула қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

Балиқ ёғи	244 мг
Лецитин Фосфатидилхолин	114 мг
Кальций Ортофосфати	91 мг
L-аргинин	50,0 мг
L-глутамин	50,0 мг
Фосфатидилсерин	10,0 мг
В6 витамини (Пиридоксин)	2,0 мг
В2 витамини (Рибофлавин)	1,6 мг
В1 витамини (Тиамин)	1,4 мг
Фолий кислотаси	200,0 мкг

ёрдамчи моддалар:

Балиқ желатини, глицерин, сариқ асалари муми.

Фаол ингредиентларнинг хусусиятлари

Балиқ ёғи ўз таркибида витаминлар (А, Д), минераллар, стероллар, тўйинган ва тўйинмаган ёғли кислоталарни (Омега-3) сақлайди, улар миянинг меъёрда фаолият юритиши учун зарурдир, чунки энергиянинг тез оқиб келишини таъминлайдилар, ва бир хужайрадан иккинчи хужайрага сигнални олиб борадиган нерв импульсларининг узатилишини рағбатлантирадилар.

L-аргинин, L-глутамин - аминокислоталар нейронал фаолликни таъминлашда ва ҳиссий-руҳий ҳолатларни (кайфият, атрофдагилар билан мулоқот) қўллаб туришда иштирок этишади.

Фосфатидилсерин ва фосфатидилхолин - ўсимликлардан олинган озиқавий моддалар, шу билан бирга балиқда ҳам сақланади. Бу хужайра мембраналарнинг фосфолипидлари компонентлари, улар когнитив фаолиятни тартиблаштиришга ёрдам бериб, бош мия хужайраларида сақланади.

В1, В2, В6 витаминлар, фолий кислотаси нерв тизимининг (бош миянинг) меъёрда фаолият юритишида ва хотира, кайфият учун масъул бўлган нейрокимёвий моддаларнинг ишлаб чиқарилишида катта аҳамиятга эга.

Қўллаш соҳаси

Церебрал студент биологик фаол қўшимча таркиби - инновацион ишланма бўлиб, унинг таркиби мияни жадал озиқлантириш ва унинг физиологик хусусиятларини қўллаб туришга йўналтирилган унинг фаол компонентларининг хусусиятларини ҳисобга олиш билан танланган.

Хотирани, ақлий фаолликни яхшилаш, диққатни яхши жамланиши, фикрлаш тезлигини ошириш, одамни анча фаол, ташаббускор ва чидамли қилиш учун юқори синф ўқувчиларига, талабларга тавсия қилинади.

Шу билан бирга тез-тез кам ухлаш, стресслар сабабли интеллектуал чарчашни олдини олиш учун юқори ақлий фаолият даврида ҳам буюрилган.

Церебрал студент иммунитетни мустаҳкамлайди ва бўлиши мумкин бўлган юқори юкламаларга терв тизимининг мослашув имкониятларини оширади (масалан имтиҳонлар даврида).

Қўллаш усули

Нонушта вақтида кунига 1 капсуладан қабул қилинади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- БФҚ компонентларини шахсий кўтараолмаслиги.
- Балиққа ва денгиз маҳсулотларига аллергия мавжуд бўлган ҳолатларда тавсия қилинмайди.
- 14 ёшгача болаларга тавсия қилинмайди.
- Ҳомиладорлик ва лактация даврида тавсия қилинмайди.

Чиқарилиш шакли ва қадоқ

15 капсуладан иккита блистерда картон қадоқда давлат ва рус тилларидаги қўллаш бўйича йўриқнома билан бирга жойланади.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда куруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

Яроқлилик муддати

36 ой.

Қадоқда кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

Бериш тартиби: рецептсиз.

Сертификат эгаси:

BELINDA LABORATORIES LLP., Лондон, Буюк Британия

Ишлаб чиқарувчи:

HC CLOVER, P.S.SL., Мадрид, Испания

Ишлаб чиқариш жойи:

NATIRIS, S.A, Агуалва-Касен, Португалия

Истеъмолчилардан шикоятларни қабул қилишга ваколатланган ташкилот:

«Ameliya Pharm Service» МЧЖ

100052, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси,

Мирзо Улуғбек тумани, Оқкўрғон кўч., 1

тел: +998 781505081, +998 781505082,

e-mail: ameliyapharm@gmail.com